

333c
M-915



О. МУРОДОВ

ЕРДАН УНУМЛИ
ФОЙДАЛАНИШ



№ 16

333e | Sp. 23613/1

M-915 | Мурогов О.

Успенский

Успенский


-67

ЎЗБЕКИСТОН ССР „БИЛИМ“ ЖАМИЯТИ

О. МУРОДОВ

333С
М-915

ЕРДАН УНУМЛИ
ФОЙДАЛАНИШ



„ЎЗБЕКИСТОН“ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1972

Бир — барча нов-печматлар маиони, инсон ўз ризқ-рў-зинин ердан тошгани учун уни ҳамиша ардоқлаб-эъзозлаб келади. Меҳнатнаш деҳқонлар ерини ишлайдилар, унга дон-хурғ сенадилар, тер тўшиб ҳосил ундирадилар, Бойликлар яратадилар, Эксплуататорлар ҳошимлик қилган барча тузум-да ҳақиқий меҳнат аҳли ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлолмаган, бунёд этган бойликлари эса бир қисм феодаллар, капиталистлар, кулоқлар ҳамёинини қаппайтирган, хазинаинин тўлдирган, холос.

Ўшуг' Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимиз меҳнатнаш деҳқонлари, жумладан чор Россиясининг собоиқ мустамакаси бўлган Ўзбекистондаги деҳқонлар ерининг ҳақиқий эгалари бўлдилар, ер ишлаганники бўлди. Колхоз тузуми деҳқон қиёфасини ҳам, унинг ерга бўлган муносабатини ҳам бус-бутун ўзгартириб юборди. Эндиликда ижтимоий ерлар коллектив хўжаликларга абадий фойдаланиш учун берилган. Колхозчи-деҳқон бу ерлардан ҳар томонлама унумли ва рационал равишда фойдаланиши керак.

Маълумки, ердан рационал фойдаланиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш натижасида экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштириш мумкин. Визда бунинг учун барча имконият — ер-сув, замонавий техника, турли хил ўғитлар, етарли ишчи кучи бор, фақат улардан оқилона фойдалана билиш керак.

Одил Муродов ўз китобчасида ердан фойдаланишга доир муҳим масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Китобча ер масаласи билан қизиқувчи китобхонларга анча-мунча янги маълумотлар беради.

МУҚАДДИМА

Қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлардан унумли фойдаланиш жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Чунки ер—барча бойликлар манбаи-макони дир. Инсоният ер бағрида пайдо бўлганлиги, унинг иссиқ бағрида авлодларнинг бирин-кетин яшаб, кун кечириши учун барча керакли нозу неъматлар етиштирилишига тўла имконият мавжудлиги учун ҳам ерни инсоният бирдан-бир ризқ-рўз манбаи сифатида таниган ва уни «Она-ер» деб донмо эъзозлаб келади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин мамлакатимиздаги меҳнаткаш халқ мавжуд ер-ости мулкни севиб ардоқлаб, унда кечаю-кундуз тинмай меҳнат қилса ҳам, лекин ўзи етиштирган ҳосилнинг жуда оз қисмигагина шерик бўла оларди. Меҳнаткаш кучи — меҳнати эвазига вужудга келган бойликлар олий табақа синфлар эҳтиёжи учун сарфланган. Натижада, бир томонда эксплуататор синфлар қўлида бойлик жамғариш авж олган бўлса, иккинчи томонда камбағалларнинг ўта қашшоқланиши, оч-яланғочланиши тобора кучайган. Бир гуруҳ бадавлат кишиларнинг бойлигини янада ошириш учун ердан кўпроқ даромад келтириш борасида қишлоқ хўжалигининг ўсиши учун ҳар турли хийла ва айёрликлар ҳам қўлланилди.

Аммо одамларни эзишга, қул қилишга асосланган капитализм сингари ижтимоий зиддиятлар ҳукм сурган тузумда ердан кўпроқ фойдаланиш йўлида фан-техникага қанчалик мурожаат қилинмаган бўлмасин, бир гуруҳ кишиларнинг бойишига асосланган ишлаб чиқариш усули оқибат натижада «Бир вақтнинг ўзида ҳамма бойликлар манбаи бўлган: ишчи ва ерга путур етказди»¹.

¹ К. Маркс. Капитал. I т., 1953. 510-бет.

Маркс ва Энгельснинг аграр масаласига доир назарий хулосаларини чуқур ўрганган В. И. Ленин ўзининг қатор тарихий асарларида деҳқонларнинг феодал ва капиталистик тузумдан, азоб-уқубатлардан тамомила озод қилиш йўлларини илмий равишда кўрсатиб берди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси эксплуатацияга асосланган тузум ва унинг муқаррар емирилишига сабаб бўлган объектив-субъектив факторларнинг таъсирчанлигини активлаштиришга, ишчи-деҳқонлар синфини революционлаштиришга раҳбарлик қилди. Натижада Россияда биринчи марта халқнинг манфаатини кўзловчи ва унинг барча орзу-умидларини чинакам амалга оширувчи социалистик давлат барпо этилди. Октябрь революцияси ғалабасининг иккинчи кунидаёқ ерни национализация қилиш тўғрисида Совет ҳокимияти махсус Декрет қабул қилди ва деҳқонларнинг асрлар мобайнида кутган орзу-ниятлари биринчи марта тўла амалга оширилди.

Шундай қилиб, Маркс ва Лениннинг аграр масалага доир назарий хулосаларининг ҳақиқатан тўғрилигини ҳаёт тўла-тўкис исботлади. Октябрь революциясидан сўнг ерлар абадий равишда давлатники — халқники қилиб белгиланди. Эндиликда ҳар бир қарич ер давлат ва халқ назорати остига олиниб, ундан унумли фойдаланиш, халқ бахт-саодати учун тобора кўпроқ ҳосил етиштириш совет деҳқончилигининг бош масаласи бўлиб қолди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг деҳқончиликни ривожлантириш соҳасида оғишмай олиб борган ленинча раҳбарлиги туфайли тарихий қисқа давр ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларидан тўғри фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш соҳасида мисли кўрилмаган катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Масалан, 1913 йилда қишлоқ хўжалиги бўйича ялпи (1965 йилги таққосланган нархда) 21,1 млрд¹ сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1970 йилга келиб 80,3 млрд² сўмлик маҳсулот етиштирилди. Бу рақамлар ўтган қисқа давр ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш деярли 4 барабар кўпайганлигини кўрсатади.

Бу ўринда бошқа бир неча мисоллар ҳам келтириш

¹ СССР халқ хўжалиги 1969 йилда, М., 1970, 286-бет.

² КПСС XXIV съездининг материаллари, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971, 154-бет.

мумкин. Чунончи, 1913 йил 86,0 миллион¹ тонна ғалла етиштирилган бўлса, 1965 — 1970 йилларда ўртача 167,5 миллион² тонна дон етиштирилган, ёки пахта етиштириш худди шу йилларда — 0,74 миллион тоннадан 6,2 миллион тоннага, қанд лавлағи 10,9 миллион тоннадан 81,0 миллион тоннага, картошқа — 31,9 миллион тоннадан 94,8 миллион тоннага, гўшт (сўйилган вазнда) 5,5 миллион тоннадан 11,6 миллион тоннага, сут 29,4 миллион тоннадан 80,5 миллион тоннага етказилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари бўйича ҳам жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида эришилган бу катта-катта муваффақиятлар совет социалистик тузумимизнинг афзаллигини ва Совет даврида ерга нисбатан бўлаётган олижаноб муносабатларни кўрсатадики, совет давлатининг ҳақиқатан ҳам халқ манфаатларини кўзлаб иш тутганлигининг ёрқин далилидир.

Маркс, Энгельс ва Ленин ўзларининг аграр масалага доир қатор асарларида ер национализация қилиниши билан бирга, ундан фойдаланишга қанчалик тўғри эътибор берилса, қўшимча капитал маблағ ва онгли меҳнат, фан-техника янгиликлари тобора кўпроқ жорий этила берса, унинг ҳосилдорлиги борган сайин орта боради, деб бир неча бор кўрсатган эдилар.

Ф. Энгельснинг айтишича, капитал, меҳнат ва фан жорий этилиши билан ер ҳосилдорлиги муттасил орта боради.³ Бу жиҳатдан бепоён она еримизнинг структура — хусусиятларини чуқур ўрганиб, унга меҳр билан қараб, ҳар гектар ернинг сифат даражасини аниқлаб қўшимча маблағ сарфлаганимизда, химия ютуқлари, фан-техника янгиликлари, шунингдек илғорлар тажрибасидан етарли фойдаланганимизда халқимиз учун янада мўл-кўл нозу неъматлар тайёрлашимизга катта имкониятлар мавжуддир.

Ер «Қишлоқ хўжалигида шубҳасиз, асосий ишлаб чиқариш воситасидир»⁴, — деган эди В. И. Ленин. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарорларида, хусусан КПСС XXIII, XXIV съездлари

¹ СССР халқ хўжалиги 1969 йилда, М., 1970. 286-бет.

² КПСС XXIV съездининг материаллари, «Ўзбекистон» нашриёти. 1971, 143-бет.

³ К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, I т., 563-бет.

⁴ В. И. Ленин, Асарлар, 19 т., 327-бет.

Директиваларида, шунингдек партия Марказий Комитети сўнгги пленумларида, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида ер ва ерга бўлган муносабат, ундан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. СССР Олий Советининг VIII сессиясида (1968 йил) ер тўғрисида махсус Қонун қабул қилинди.

Жонажон партиямиз ва Совет ҳукуматимиз доҳимиз В. И. Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб, коммунизм жамиятининг мустаҳкам базасини вужудга келтириш ва ҳаётимизнинг янада гўзал равнақини, халқимизнинг турмуш даражасини юксак кўтариш учун ҳар бир қарич ердан рационал фойдаланишга, унинг ҳосилдорлигини тобора оширишга ҳамиша катта эътибор бермоқдалар. Чунки, ерга етарли эътибор бермай, унинг ички ва ташқи таъсир этувчи воситаларини чуқур ўрганмай туриб, коммунистик қурилишнинг асосини ташкил этувчи халқимизга етарли озиқ-овқат ва саноатимизга кераклича хом ашё етказиб бериш асло мумкин эмас. Демак, ерга эътиборсизлик — элимизга, ўз ватанимизга, юксак қурилиш режаларимизга эътиборсизликдир. Бу соҳада мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш — умумхалқ ва умумдавлат аҳамиятига моликдир.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида Л. И. Брежнев ердан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, бундай деган эди: «Тупроқни сақлаш учун кураш — бу бутун жамиятимизнинг иши. Ерни ҳар қандай йўл билан айнитиб қўйишга жамиятга қарши қаратилган хатти-ҳаракат деб баҳо бермоқ керак. Кимки ерга яхши қарамаса, у халқ осойишталигининг моддий негизига путур етказган бўлади»¹.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги тарихий ҳужжатларида колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида мавжуд ерлардан тўла ва унумли фойдаланиш, барча имкониятларни ишга солиб қурғоқ жойларга сув иншоотларини қуриш, суғориладиган майдонларни кўпайтириш, яйловларнинг мелноратив ҳолатини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор берилган. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари ҳақи-

¹ «Совет Ўзбекистони» 26 ноябрь 1969 йил.

да қилган докладда (СССР Министрлар Советининг раиси А.Н. Косигин «Сугориш системалари қуришни жадаллаштириб, Волга бўйида, Шимолий Кавказда ва Украинанинг жанубида камида бир ярим миллион гектар сугориладиган ерни, Урта Осиёда эса 650 минг гектар ерни ишга солиш керак. Захкаш зонада 5 миллион гектар ернинг захини қочириш ишларини бажариш белгиланган, 41 миллион гектардан ортиқ майдондаги яйловга сув чиқарилиши лозим»¹,— деган эди.

Партиямиз XXIV съезди кўрсатмаларидан маълумки, янги сугориладиган майдонларни вужудга келтириш ва мавжуд сувли ҳамда бошқа ерлардан рационал фойдаланиш — қишлоқда коммунистик қурилиш соҳасида қўйилган энг улуғвор режаларни муваффақиятли амалга оширишда бирдан-бир ҳал қилувчи фактор бўлиб хизмат қилади.

Бу мураккаб ва улуғвор ишларни амалга ошириш умумхалқ иши бўлиб, уни ўз вақтида адо этиш ва ҳаётга тўла татбиқ қилиш социалистик қурилишимизнинг иқтисодий негизини мустаҳкамловчи қудратли воситалардан биридир.

Бу китобчамизда партия ва ҳукуватимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ғамхўрликларига асосланган Қашқадарё область меҳнаткашларининг ердан, сувдан фойдаланиш борасида кейинги йилларда қўлга киритган ютуқлари, хусусан пахтачиликни жадал суръатлар билан ўстириш, сугориладиган ерларнинг иқтисодий аҳамияти ва Қашқа воҳасининг битмас-туганмас имкониятлари ҳамда улкан истиқболлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ердан фойдаланиш тўғрисида баъзи бир илмий-практик хулосалар ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган таклифлар ҳам кўрсатилади.

Қашқадарё воҳасининг иқлими, ўзининг миллион гектардан ошиқ ҳали фойдаланилмаётган унумли ери мавжудлиги жиҳатидан ҳам Ўзбекистон республикасида энг катта перспективали областлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Қарши чўлини ўзлаштирувчилар бепоён даштга сув келтириш учун қаҳрамонларча меҳнат

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971, 173-бет.

қилаётган эканлар, биз бу воҳанинг Совет ҳокимияти даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари, ер-сувдан фойдаланишдаги ютуқлари ҳамда мавжуд резервлари ҳақида қисқача мулоҳаза юритишни ҳаётний зарурият деб ҳисоблаймиз. Чунки, Қашқадарё область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўтмишда сувсизлик ва ердан фойдаланишда ўта қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Эндиликда бу соҳада қўлга киртилган илғор тажрибаларга суяниб ва ундан баҳраманд бўлиб, ўз олдидарида турган улуғвор вазифаларни астойдил адо этмоқдалар. Бу — колхозчи ва совхоз ишчиларининг моддий-маданий даражасини ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

ОБЛАСТНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТИ, ЕРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қашқадарё области ўзининг географик жойланишига кўра Ўзбекистон республикасининг энг жанубий районларидан бири бўлиб, унинг майдони 28,4 минг квадрат километрга тенгдир. Бу — республиканинг жами майдонига нисбатан 7 процентни ташкил этади. Аҳолиси 1970 йил 15 январда 802¹ минг кишига етган.

Қашқадарё воҳаси чегарасининг умумий узунлиги 795 километр бўлиб, бундан 405 километр тоғликларни ва 390 километр текисликларни ташкил қилади.

Область шимолда Самарқанд билан, шимолий ғарбда Бухоро, шарқ ва жанубий шарқда Сурхондарё областлари билан чегарадошдир. Шунингдек, область шимолий шарқда Тожикистон республикасининг Ленинобод областига туташган, ғарбий чегараси эса Туркманистон билан қўшилади.

Хусусан, областнинг ғарбий қисмида — Косон, Қарши, Ульянов районларидаги жуда катта кенгликларда текис чўлликлар мавжуд бўлиб, территорияси шимолий шарққа томон аста-секин юқори кўтарила боради, натижада аввало адрлар ва ундан сўнг тоғликларга туташиб кетади. Бу — областнинг ўзига хос географик тузилишини ва шунга мувофиқ унинг иқлим шароитини белгилайди. Областнинг иқлими иссиқ бўлиб, йиллик ўртача ҳарорати 17 даражага тенгдир. Бу жиҳатдан Тошкент, Бухоро, Хоразм областларининг ўртача иссиқлик ҳароратига нисбатан 3-4 даража ортқидир.

¹ Ўзбекистон халқ хўжалиги 1969 йилда, 1970, 15-бет,

Ўсимликнинг ўртача ўсиш жараёни (вегетация даври) 226 — 242 кунга тўғри келади. Йиллик тушадиган намликнинг ўртача ҳажми ҳавза бўйлаб 225 дан 540 миллиметргача ўзгариб туради. Шимолий шарқда жойлашган районларда, хусусан тоғ этакларида ўрта ва пастки зоналарга қараганда намлик 1,5—2 баравар кўпроқ тушади.

Узоқ йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, Қашқадарё воҳаси иқлими, унинг географик жойлашиши ва табиий хусусиятига кўра ўртача олганда 2 — 3 йил ичида бир марта яхшироқ йил келади, яъни ёгингарчилик талабга мувофиқ бўлади. Лекин йилнинг қандай келишидан қатъи назар деярли ҳар ёзда (асосан 15 июндан 15 — 20 июлгача) ғарби шимолий томондан Бухоро области орқали гармсел эсади. Бу — қишлоқ хўжалиги, хусусан пахта, сабзавот ва бошқа ўсимликларнинг аҳволини ёмонлаштиради. Унинг ҳосил ғунчаларини тўкишга сабабчи бўлади. Натижада ўсимликларнинг умумий ривожланишига ва ҳосилдорлигига катта зарар етказилади.

Қашқадарё области ўзининг табиий шароити, ер тузилиши ва суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатига кўра тўрт зонага бўлинади.

I Китоб-Шаҳрисабз зонаси

Бу зонада Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ районининг кўпчилик территорияси бирлашиб, областнинг энг яхши иқлимли жойларини ўз ичига олади.

Китоб, Шаҳрисабз зонасидаги ерлар асосан суғориладиган майдонлар бўлиб, жами 63 минг¹ гектардан кўпроқни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги учун ажратилган майдонларнинг ярмидан кўпроғи — бўз тупроқли ерлардан иборатдир.

II Чироқчи-Қамаши зонаси

Бунга асосан Чироқчи, Қамаши ва Ғузор районларининг кўпчилик территорияси киради. Зонанинг ери типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, юқори зонага нисбатан намгарчилик бирмунча оздир. Иккинчи зонанинг ер релье-

¹ Қашқадарё области қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 1 ноябрь 1970 йил ер баланси, 9-бет.

ефи зонага нисбатан баландроқ бўлганлиги учун ҳам тупроқнинг захлаши, бузилиши бу жойда жуда кам учрайди. Зонадаги қишлоқ хўжалиги ерлари қарийб 500 минг гектарни ташкил қилиб, бундан 42 минг гектарига яқин майдон суғорилади.

III Қарши-Қосон зонаси

Бу зонага Қарши, Қосон, Ульянов районлари ва Ғузор районининг қисман ерлари қўшилади. Зонада ҳозирги маълумот бўйича жами 1,6 миллион гектардан ошиқроқ қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб, бундан 1970 йилда 69 минг гектардан кўпроғи суғорилди. Зонанинг ери асосан пичанли бўз тупроқдир. Аммо Қосон ва Қарши районларидаги баъзи бир ерларнинг захлашлиги сабабли кейинги 2—3 йил ичида шўрлаб, қишлоқ хўжалиги экинларига хавф туғдирмоқда. Ер таги сувларининг интенсив юқори кўтарилиши — тупроқ таркибини бузишга ва экинлар ҳосилдорлигини камайтиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ҳол шуни тақозо қиладики, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, ҳар гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чораларини кўришлари ҳамда тупроқ структурасининг нурашига мутлақо йўл қўймасликлари зарурдир.

IV Тоғ этаклари зонаси

Бу зонага Ғузор районуға қарашли собиқ Деҳқон-обод райони территорияси киради. Зона ери асосан пичан, ўтлоқ ва яйловлардан иборат бўлиб, 70 минг гектар майдонни ташкил этади. Рельефи — тоғлик, тоғ этаклари ва қир-адирлардан иборатдир.

Юқорида кўрсатилган фактлар Қашқадарё область воҳасида суғориладиган ерларнинг катта резерви мавжудлиги ва бунда кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконияти борлигини исботлайди.

Агар биз, зоналар бўйича ердан фойдаланиш структурасини кўриб чиққанımızда, областнинг истиқболи тўғрисида янада равшанроқ тасаввурга эга бўламиз.

Деҳқончилик маданиятини ва ердан фойдаланишни бошқа районларга нисбатан юқорироқ даражада эгалла-

ган зона Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ районлари ҳисобланади. Бу зоналарда жами 35,4 процент ҳайдаладиган ерлар бўлиб, бунинг 51,2 процентини суғориладиган майдонлар ташкил этади. Зонадаги ерларнинг 1,7 процент майдонида боғ, ток ва тут плантациялари мавжуддир. Зонанинг асосий хусусиятларидан яна бири, бунда анчагина ўтлов-ййловларнинг мавжудлигидир. Бу майдонлар асосан тоғ этакларида бўлиб, жами қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан 40,2 процентни ташкил этади. Тоғ рельефли жойлар эса жами 24,4 процентдан иборатдир.

Шундай қилиб, I зона деҳқончиликнинг асосий гуруҳи районларидан бири бўлиб унинг иқтисодий негизи ва ердан тўғри фойдаланишнинг асосий йўналиши — суғориладиган майдонларда ўт-дала алмашлаб экишни кенг жорий қилиш замирида пахтадан юқори ҳосил етиштириш, хусусан боғ-узумзорларни кенгайтириш, лалмикор ерларда асосан ғалла экиш, тоғ этакларидаги ййловларда эса (келажакда) янада кўпроқ ҳисори қўйлар туёғини кўпайтириш билан характерланади.

II зона районлари асосан Қашқадарё оқимининг ўртасида жойлашган бўлиб, биринчи зонага нисбатан паст текисликлари кўпдир. Бу зонада ҳайдаладиган ерлар жами майдонга нисбатан қарийб 42 процентни ташкил этади, ундан 20 процентга яқини суғорилади, холос. Қолган 80 процентига яқин ҳайдаладиган ерлар суғорилмайди. Шунинг учун ҳам ушбу зонада биринчи зонага нисбатан боғдорчилик, токчилик унчалик ривожланмаган соҳа ҳисобланади. Қолхоз ва совхозларнинг жами фойдаланилаётган ерларига нисбатан ййлов жойлар 52,6 процентни ташкил қилиб, бундан 13—15 процентга яқини тоғ этакларидаги ййловлардан иборатдир.

Шундай қилиб, иккинчи зонанинг иқтисодий ривожланиши ва ердан унумли фойдаланишнинг бирдан бир йўналиши — Чимқўрғон, Қумдарё ва бошқа сув манбаларидан кенгроқ фойдаланиб, суғориладиган майдонларни жиддий равишда кўпайтириш асосида пахтачиликни ривожлантириш, боғ-токзорлар барпо этиш ва чорвачиликнинг энг даромадли тармоғи ҳисобланган қорақўлчиликни юқори поғонага кўтаришдан иборат бўлмоғи зарур. Шундай йўл тутилгандагина бу зона областнинг бошқа зоналари билан иқтисодий-маданий жиҳат-

дан тезроқ барабарлашиши ва умумий ривожланишга эришиши лозимдир.

III зона Қашқадарё областининг пастки қисмида жойлашган бўлиб, жуда кўп текисликлар, қир-адирларнинг мавжудлиги билан характерланади. Зонадаги 1,6 миллион гектардан ошиқроқ қишлоқ хўжалиги ерларидан ҳозирги кунда фақат 5—6 процентга яқини суғорилади. Қолган қисми лалмикор ва қоракўл қўйи боқиладиган яйловлар ҳамда ҳали фойдаланилмаган бўш жойлардан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳам зоналар ичида бу зона энг кўп ер ва катта истиқболга эгадир.

Шуни алоҳида кўрсатиш керакки, кейинги йилларда III зонада пахтачилик, айниқса унинг қимматли навингичка толали пахтачилик тобора юксалмоқда ва унинг ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. 1973—1975 йилларда Амударё суви Қарши даштига оқизилгач, бу зона фақат Қашқадарёдагина эмас, балки Ўзбекистонда ҳам бирдан-бир қимматбаҳо ипак пахта етиштириладиган энг йирик база бўлиб қолади.

Шунга кўра, зонанинг асосий йўналиши ва ердан рационал фойдаланишнинг негизи — ғалла ва ипак, пахта етиштиришни кўпайтириш, кўплаб боғ-токзорлар барпо қилиш, сабзавотчиликнинг мустақкам базасини яратиш, қорамоллар, қоракўл қўйчилик ҳамда бўрдоқичиликни ривожлантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Деҳқонобод — областнинг тўртинчи зонаси бўлиб, бунда деярли 40 процент ер тоғ ва тоғ этагидаги яйлов ўтлоқлардан, 10 процентга яқин ер¹ ҳайдаладиган лалмикорликдан иборат. Деҳқонобод райони меҳнаткашлари табиий шароитга асосан ўтмишда ҳам чорвачилик, ғаллачилик билан машғул бўлганлар. Шунинг учун ҳам ерли аҳоли областнинг бошқа район меҳнаткашларига қараганда чорвачилик соҳасида анча мутахассис ва тадбиркордир.

Табиий шароит ва аҳолининг мавжуд тажрибасига кўра, бу зонада ғалла ва озуқ экинлари майдонини кенгайтира бориш асосида уни областнинг асосий чорвачилик базасига айлантириш (қоракўл ва ҳисори қўйлар ҳисобидан), яйловларнинг ҳар бир гектаридан унумли

¹ Юқорида келтирилган фактлар Қашқадарё области Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ер балансидан олинди, ноябрь, 1970 йил.

фойдаланиш учун юксак самара ва натижага эришиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган юксак режаларга эришмоқ учун ҳар бир зонанинг имконият, резервларини тўла ҳисобга олиш ва ундан тўғри фойдаланиш, шунингдек чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун унинг зотини яхшилаш, фермаларни юксак механизация асосида қайта қуриш ҳозирги даврда ҳал этувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида кўрсатиш зарурки, Қашқадарё областидаги ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати бошқа областлардагига қараганда, асосан қаноатланарлидир. Аммо, Чимқўрғон сув омбори қурилиб ишга туширилгач, орадан 2—3 йил ўтгандан сўнг областнинг пастки зонасидаги районларда ер ости сувлари аста-секин юқори кўтарила бошлади. Бу ҳол Чимқўрғон сув омбори инженер-гидрологик жиҳатдан ер ости сувларининг ҳаракат-ўйналишларини тўла ўрганилиб, уни ҳисобга олинмаган ҳолда қурилганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳозирги вақтда 500 минг гектарга яқин ҳайдаладиган ерлардан 6 минг, яъни 1,2 процентга яқин майдон кучли ва ўртача захланган.

Бинобарин, экинлардан юқори ҳосил олиш ва мўл-кўл маҳсулотлар етиштиришда суғориш ишоотларининг кенг кўламда қурилиши ва сув манбаларининг кўпайтирилиши жуда катта роль ўйнайди, айни бир вақтда ер ости сувларининг ҳаракатини, тупроқ структурасидаги минерал элементларнинг режимини сув режими билан мослаштириш халқимиз бойлигига бойлик қўшишда энг асосий манбалардан ҳисобланади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган: «1971—1975 йилларда ерни мелиорация қилишни янада ривожлантириш ва шу ерларни экиш учун ўзлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорида суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш ҳақида бундай деб кўрсатилган: «...Ерларни мелиорация қилишдаги мавжуд камчиликларга барҳам берилсин ва суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерлардан тўлароқ фойдаланиш таъминлансин... токи мелиорация қилинган ерларнинг ҳар гектари бошига қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олинсин...»¹.

¹ «Совет Ўзбекистони», 9 май, 1971 йил.

**СУҒОРИШ ВА УНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ЕРДАН УНУМЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Ҳар қандай ўсимликнинг ҳам етук бўлиб ўсиши ва унинг юқори даражада ҳосил бериши — тупроқнинг унумдорлиги, қуёш иссиқлиги ва ёруғлиқнинг керакли миқдорда мавжудлиги ҳамда сувнинг (яъни намнинг) нормага мувофиқ бўлишига боғлиқдир. Кўрсатилган асосий уч фактор бир-бирига мутаносиб бўлса ва унга инсон ақл-идроки, билими ҳамда механизациялашган меҳнат тўғри уйғунлаштирилса, жамият ўз аъзоларининг талаб-эҳтиёжига яраша турли хил нозу неъматларни бемалол етиштиришга муваффақ бўлади.

Ана шу уч фактордан бири етарли бўлмаса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги юксак натижаларни қўлга кириштиш, халқимизга кўпроқ маҳсулот ва саноатимизга хом ашё етказиб бериш учун олиб бораётган ҳаракатимиздан, қилинган меҳнатимиздан қутилган натижа келиб чиқмайди.

Шундай экан, мамлакатимизнинг қайси бир бурчагида бўлмасин, чунончи Ўрта Осиё, Закавказье ёки Жанубий Украина каби жойларда унумли ерлар, қуёш ёруғлиги, иссиқлик ҳарорати, ишчи кучи ва техника бўлса-да, конкрет шароит талаб қилаётганича намгарчилик (ёки сув) етарли бўлмаса, у жойларда турмуш учун керакли маҳсулотларни кўзланган миқдорда ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Демак, экинлардан гарантияланган юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шarti намгарчилик оз жойларда суғориш иншоотларини қуриш йўли билан суғориладиган ерларни кенгайтириш ва сувдан тўғри фойдаланишдан иборатдир.

Инсониятнинг буюк доҳийлари Маркс, Энгельс, Ленин ўзларининг деҳқончилик тўғрисидаги ёзган илмий асарларида, хусусан намгарчилик кам бўлган жойларда суғориш ишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини такрор-такрор кўрсатган эдилар.

Карл Маркс бу тўғрида қуйидагиларни ёзган эди: «Иқлим шароити ва тупроқ хусусияти... катта-катта чўлларда каналлар ва ирригация иншоотлари ёрдами билан сунъий суратда суғориш системасини Шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйди»¹.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I т, 1959, 43-бет.

Ҳақиқатан ҳам табиий иссиқлик ҳарорат даражаси юқори, кўплаб теп-текис унумдор ерлари бўлган Шарқ ва Осиё мамлакатлари учун суғориш асосида деҳқончиликни ривожлантирмай туриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини муттасил равишда кўпайтириш ҳамда умуман колхоз, совхозлар экономикасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мумкин эмас.

Совет ҳокимияти барпо этилишининг дастлабки даврларидаёқ В. И. Ленин ирригация ишларининг жуда кенг программасини белгилаб берди. Шу билан бирга В. И. Ленин мамлакатимизнинг турли зоналаридаги ерларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган мелиорация, нами қочирish ва суғориш ишлари бўйича бошланган умумхалқ ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган эди. У деҳқончиликни ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда юксалтиришда ерларни суғоришга жиддий эътибор бериш зарурлигини уқдириб, бундай деган эди: «Деҳқончилик ва чорвачиликни нима қилиб бўлса-да, юксалтирмоқ учун янги ерларни суғориш айниқса муҳимдир»¹.

В. И. Ленин ерларни суғориш масаласини фақатгина назарий жиҳатдан асослаб қолмай, балки шу билан бирга, у мелиорация ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича бир қатор конкрет тадбирларни амалга оширишга ўзи раҳбарлик ҳам қилди.

Бепоен мамлакатимизнинг бошқа ўлкалари билан бир қаторда В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Закавказьедаги қурғоқ чўллари ўзлаштиришга, у жойларда социалистик тузумнинг гуллаб яшнашига, меҳнаткашларнинг турмуш маданиятининг юксалишига жуда қизиқиб қараган ва белгиланган чора-тадбирларни мутлоқ амалга оширишга ёрдам кўрсатган.

В. И. Лениннинг 1921 йил апрелида «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, тоғлилар республикасидаги коммунист ўртоқларга» деган мактубида қуйидаги ажойиб сўзлар ёзилган эди: «Деҳқонлар аҳволини дарҳол яхшилашга ҳаракат қилмоқ ва электрлаштириш, суғориш соҳасида катта ишларни бошлаб юбормоқ лозим. Суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартриб юборади, уни

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 32-т. 352-бет.

яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди»¹.

Бу мактубни чуқур англаган ва унинг туб моҳиятини тушунган ҳар бир совет кишиси — социализмга ўтиш ва унинг ютуқларини мустаҳкамлашда суғориш ишларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини, бинобарин, шунинг учун ҳам бу масалага доҳиймиз ўз вақтида жиддий эътибор берганлигини равшан тушуна олади.

В. И. Ленин раҳбарлигида революция ғалаба қилгандан сўнг кўп ўтмаёқ пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган ва бунинг учун Туркистонда суғориш ишларини тезлаштириб юборишга бағишланган масалалар бир неча бор муҳокама қилинди ва конкрет чора-тадбирлар тузиб чиқилди. 1918 йил 17 майда В. И. Ленин Туркистон ўлкасида суғориш ишларини ташкил қилиш учун зарур маблағларни ажратиш тўғрисидаги Декретга имзо чекди.

В. И. Ленин имзо чеккан Декретда Туркистон меҳнаткашларининг бахт-саодати ва уларнинг кўп асрлик орзу-умидлари рўёбга чиқишини таъминловчи қуйидаги кўнгилли сўзлар ёзилган эди: «1. Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминланишини ошириш юзасидан тузилган иш плани тасдиқлансин, бу план қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: а) Самарқанд областининг Хўжанд уездидаги Мирзачўлда 500 минг десятина ерни суғориш ва Далварзин чўлидаги 40 минг десятина ерни ўз ичига олган, Мирзачўлнинг рўпарасида Сирдарёнинг нариги қирғоғидаги ирригация системасини асосий иншоотлар билан таъминлаш; б) Фаргона областининг Учқўрғон чўлидаги 10 минг десятина ерни суғориш ва ўша жойда 20 минг десятина ерда маҳаллий ариқлардан фойдаланишни тартибга солиш; в) Зарафшон дарёсининг сувидан фойдаланиш ишини тартибга солиш йўли билан 100 минг десятина ерни пахта майдонига айлантириш мақсадида Зарафшон дарёсидаги Дупул кўприги ёнида сув омбори қуриш; г) Чу дарёси водийсидаги 94 минг десятина ерга сув бе-

1. В. И. Ленин, Асарлар, 32-т., 353-бет.

риш лозим бўлган ирригация системаси қурилишини тамомлаш»¹.

Бу улугвор режалар ёш совет республикаси учун ўша вақтлар энг оғир машаққатли пайтлар бўлганлигига қарамай, доҳиймиз В. И. Ленин совет тузумини янада мустақкамлашга, хусусан, социалистик Туркистоннинг бепбён қурғоқ чўлларига сув чиқариб, меҳнаткашларнинг фаровон турмушини таъминлаш тўғрисида ўз вақтида оталарча ғамхўрлик кўрсатганлигидан далолат беради.

В. И. Ленин ўзининг қатор асарлари ва амалий фаолияти билан Коммунистик партия ва Совет давлатининг ерларни суғориш, мелiorация соҳасидаги бош йўлига асос солди ва унинг бундан кейинги амалий ривожланишини кўрсатиб берди.

Жонажон партиямиз ва Совет давлатимиз В. И. Лениннинг суғориш ва мелiorация соҳасидаги кўрсатмаларига амал қилиб, тарихан қисқа давр ичида бу соҳада жуда улкан ишларни, катта режаларни амалга оширди-лар.

Биз бу ерда конкрет мисол сифатида аввало Ўзбекистон ССР ва унинг ажралмас қисми бўлган Қашқадарё областида суғориш, ирригация ишлари соҳасида кейинги ўн йил ичида амалга оширилган муҳим тадбирлар ҳамда улар воҳа меҳнаткашларининг иқтисодий-маданий жиҳатдан ўсишига бўлган ижобий таъсири ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қаторида ўзбек халқи ҳам асрлар давомида сув тўғрисида ширин орзу қилди ва сув учун қанчадан-қанча курашлар олиб борди. Ўзбек халқи ўз ақл-идроки ва талантли усталарининг тажрибасига суянган ҳолда қўплаб каналлар, дамбалар, сув иншоотлари қурди ва ариқлар чиқарди. Аммо Октябрь революциясигача сув ва ерга амалдорлар ҳукмрон бўлганлиги сабабли деҳқонлар аҳли ўз меҳнатларининг натижасидан баҳраманд бўлолмади. Меҳнаткаш халқ эзувчи синфлар қўлида азоб чекиб меҳнат қилди. Лекин ер-сувдан келган даромадлар бой-феодаллар ҳамёнинигина тўлдирди.

Туркистон ўлкасида ярим асрлардан кўпроқ ҳукм-

¹ В. И. Ленин, Ўрта Осиё ва Қозогистон тўғрисида, Ўздавнашр, 1960, 435-бет.

ронлик қилган Россия империализми ҳам Ўрта Осиё меҳнаткашларининг сув тўғрисидаги орзуларини амалга оширишда бирор кўзга кўринарли нш қилолмади ва қилиши ҳам мумкин эмасди.

Чор ҳукуматининг Туркистонда суғориладиган ерларни кўпайтириш учун қилган ҳаракати ва харажати халқимиз талабини мутлақо қондиролмади. Чунки, ярим асрдан кўпроқ давр ичида чор ҳукумати сув қурилиш ишларига ҳаммаси бўлиб 36 миллион сўм сарфлади, бу маблағ ҳисобида зўрға 50 минг¹ гектарга яқин ер суғорилди, холос. Кўплаб қурғоқ чўллар «навбат кутиб» ётган бир ўлкада бойлик тўплаш иштиёқида бўлган амалдорлар суғориш ишларига тўғри муносабатда бўлиши ва халқимизнинг минг-минг йиллардан бери сувга бўлган ташналигини қондириши асло мумкин эмас эди, албатта.

Асрлар оша рўёбга чиқмай келаётган халқ орзулари фақат Октябрь революцияси туфайлигина амалга оша бошлади. Ўрта Осиёнинг барча меҳнаткашлари сингари ўзбек халқи ҳам суғориладиган мавжуд ерларга ўзлари эга бўлибгина қолмай, балки қақраб ётган бепоён чўл-биёбонларда суғориш ишларини кенг миқёсда олиб бориш ва у жойларни хўжалик юритиш объектига айлантириш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Совет ҳукумати аввало халқ томонидан қурилган эски сув иншоотларини яхшилашга ва босмачилар томонидан бузйб ташланганларини тиклашга жиддий эътибор берди. Шу йўл билан сув иншоотлари қурилиши йил сайин жадаллаштирилди ва бу соҳага кўплаб капитал маблағлар сарфланди. Масалан, Ўзбекистонда сув хўжалиги ишларига 1918—1941 йиллар мобайнида 200 миллион сўм сарфланган бўлса, 1946—1968 йиллар ичида 2.675 миллион сўм сарфланди. Бу маблағ Улуғ Ватан урушигача сарфланганидан 13 барабар кўпроқдир.

1918—1928 йилларда сув қурилиши бўйича капитал маблағларнинг сарфланиши 7 миллион сўмни ташкил этса (ҳар йили ўртача 700 минг сўм), биринчи беш йилликда — 26 миллион (йиллик ўртача 5,2 миллион) сўмга етди. Бу рақамлар Улуғ Ватан урушигача бўлган учинчи беш йилликнинг уч йилида 120 миллион (ўртача ҳар бир йилда 40 миллион) сўмга етади. 1946—1965

¹ «Экономика сельского хозяйства» журналі, 4-сон, М., 1970, 46-бет.

йилларда 1,461 миллион (ўртача ҳар йили 73 млн¹) сўм-ни ташкил этди.

Сув қурилиши ишларига сарфланадиган капитал маблағлар хусусан, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил), май (1966 йил) Пленумлари қарорларидан сўнг янада кўпайтирилди. Мамлакатимизда ирригация ва мелиорация соҳасида олиб борилган жуда кўп йирик ишлар партия ва Совет ҳукумати томонидан ленинча программани оғишмай амалга ошираётганлигидан, КПСС XXIII—XXIV съездлари қарорлари асосида коммунистик қурилишнинг энг муҳим проблемаси ўз вақтида тўғри ҳал қилинаётганлигидан далолат беради.

Сув хўжалиги қурилишининг биринчи босқичи 1922—1939 йиллар бўлиб, бу йилларда жаҳон ва граждандар уруши даврида бузилган сув иншоотларини тиклаш билан бирга Ўзбекистонда бутун халқни сафарбар этиш асосида янги-янги ирригацион қурилиш объектлари барпо этила бошлади. Бу жуда тўғри ва ўз вақтида бошланган энг юксак, умумхалқ манфаати кўзланиб қилинган олижаноб иш эди. Масалан, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа қардош халқлар иштирокида 45 кун ичида 270 километрга чўзилган Катта Фарғона каналининг қурилиши Ўрта Осиё шаронтида жуда улкан воқеа бўлган эди.

Халқ тезкорлик методи билан Катта Зарафшон, Тошкент, Жанубий, Шимолий Фарғона каналлари, шунингдек Хоразмда Тошсоқа ва Қорақалпоғистон автоном республикасида Ленин номидаги каналлар қурилишга туширилди. Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областлари меҳнаткашлари «Ўзбек денгизи» деб номланган энг йирик Каттақўрғон сув ҳавзасининг биринчи қисмини қуриб ишга туширдилар. Сув хўжалиги қурилишнинг иккинчи босқичи — қўл меҳнатининг асосан механизация ёрдамида амалга оширилиши билан фарқ қилади. Бу давр ирригаторлар олдига сув қурилиши соҳасида янги-янги талабларни қўйиш билан, аввалги сув иншоотларини ҳам замонавий техника ютуқлари асосида қайта жиҳозлаш зарурлигини вазифа қилиб қўяди. Бу мураккаб вазифани амалга оширишда партия ва ҳукуматимиз катта ғамхўрлик қилди, янги сув қурилиши

¹ Развитие материально-технической базы сельского хозяйства Узбекистана, «Колос» нашриёти, М., 1970. 47-бет.

ишлари учун миллион-миллион сўмлаб капитал маблағлар ажратиб берди.

Ирригация қурилишининг, айниқса, учинчи даврида, яъни кейинги 10—15 йил давомида Ўзбекистоннинг энг жанубий ўлкалари ҳисобланган Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областларида йирик тадбирлар кенг кўламда олиб борилди. Барпо этилган гигант сув иншоотлари Ўзбекистонда суғориладиган ерларни тарихда қўрилмаган миқёсда кенгайтиришга, экинлар ҳосилдорлигини жадал ошириш замирида кенгайтирилган ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантиришга асос бўлмоқда.

Ирригация қурилиши ишларининг кенг ривожланиши туфайли СССР, жумладан Ўзбекистон ССРда ҳамда унинг Қашқадарё областида суғориладиган ерларнинг ўсиш жараёнини қуйидаги жадвалдан билиш мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан маълумки,

1-жадвал

Суғориладиган ерларнинг (суғорилгани) ўсиш жараёни

	Й и л л а р						1970 йилда 1913 йилга нисбатан
	1913	1921— 1923	1940	1960	1965*	1970**	
СССР, млн. га	3957	2226	6087	7936	8245	10,362	2,6 мар- тадан кўп
Ўзбекистон ССР, млн. га	1,339	807	1974	2389	2495	2689	2 бара- вардан кўпроқ
Қашқадарё об- ласти, минг га	45	60	70	110	155	176***	4 бара- варга яқин
	X-1969 йилги рақам XX-1967 йилги рақам						

* Жадвалдаги 1913—1965 йиллар рақамлари Г. Ф. Раскиннинг «Экономика орошаемого земледелия» китобидан олинди. «Колос» нашриёти, М., 1967. 22-бет.

** Народное хозяйство УзССР, 1969. Т. 1, 1970. 122-бет.

*** Қашқадарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг ер баланси, 1970 йил.

СССР бўйича суғориладиган ерлар 2,6 мартадан кўпроқ, Ўзбекистон ССРда 2 барабардан зиёдроқ ва Қашқадарёда деярли 4 барабар ўсган.

Суғориш қирғоқ районларда деҳқончиликнинг асосини ташкил қилиб, экинлардан мўл ҳосил олишни таъминлаши билан бирга ишчи кучларидан ҳам тўлароқ фойдаланишга кенг йўл очиб беради.

Қ. Маркс хусусан Осиё мамлакатларида деҳқончилик муносабатларини ўрганиб, қуйидагиларни ёзган эди: «...Суғориладиган ерлар учун шу миқдордаги суғорилмайдиган ерга нисбатан 3 марта ошиқ солиқ тўланади, бу ерларда 10 ёки 12 марта кўпроқ киши ишлайди ва бу кишилар 12 ёки 15 марта ошиқ фойда келтиради...»¹

Мавриди келганда шуни кўрсатиш керакки, Қ. Маркс суғориладиган ерларнинг юқори даражада самарадор ва ҳосилдор бўлишини кўрсатибгина қолмай, балки шу билан бирга суғориладиган деҳқончиликда жуда кўплаб ишчи кучининг банд бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаган эди.

Биз суғоришнинг афзалликларини, меҳнаткашларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсишига бўлган таъсирини Қашқадарё области хўжаликлари мисолида кўриб чиққанимизда янада равшанроқ тасаввурга эга бўламиз.

Қашқадарё областининг ери ва унинг иқлим шароити ни юқорида характерлаб ўтдик. Воҳа ўзининг географик жойлашишига кўра кўплаб ерга эга бўлсада, ундаги мавжуд сув манбалари ўз талабини мутлақо қондиrolмайди. Қашқадарё областидаги барча сув ирмоқларини ўзига бирлаштирувчи Қашқа ва Ғузор дарёлари Ўрта Осиёда энг кам сувли дарёлар бўлиб, улар ёрдами билан мавжуд бир миллиондан кўпроқ унумли ерларнинг қарийб 7—10 процентигина суғорилиб келинмоқда, холос. Суғориладиган жойларнинг ҳам бир қисми шартли суғориладиган ерлардан иборат эди.

Юқоридаги аҳволни ҳисобга олиб деҳқонлар ёғингарчилик намига кўпроқ умид боғлаб, асосан лалми экинлар эккан ва ундан жуда кам ҳосил олган. Чорвадорлар эса чорва моллари учун асосан хашак тўплаш билан қишни аранг ўтказиб келганлар. Шундай қилиб,

¹ Қ. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, I т., 1959, 352-бет.

деҳқонлар бу ерда қишлоқ хўжалигини экстенсив усулда олиб боришга мажбур бўлганлар. Авваллари деҳқонлар кўплаб меҳнат қилсада, меҳнатларига яраша даромад ололмас эдилар. Чўнки, экинларнинг, хусусан ғўзанинг вегетация даврида етарли сув бўлмаганлиги туфайли кўплаб гектар ердаги ғўза ниҳоли ўсишдан қолиб, жуда кам ҳосил берар эди. Бундай аҳвол деҳқонларнинг турмуш даражасига ва хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишига салбий таъсир кўрсатиб келарди.

Қашқадарё областидаги бу аҳволни тuzатиш учун партия ва ҳукуматимиз суғориладиган ерларни кенгайтириш мақсадида сув иншоотларини қуриш соҳасида амалий тадбирларни ишлаб чиқдилар. Қашқадарёликлар кўпдан бери кутган энг катта сув иншоотларидан бири — Эски Ангар канали ўз даврида қурилиб ишган туширилди. Бу канал Зарафшон дарёсидан секундига 50 куб/м сув олиб, 185 километр узоқликда бўлган Косон ва Қарши районларидаги 6—8 минг гектарга яқин ерни суғоришга имкон берди. Эски Ангар канали қурилиб ишга туширилгандан сўнг кўп вақт ўтмасданоқ областда яна энг катта сув омбори — Чимқўрғон ҳавзаси қурилиши бошланди. Сув ҳавзасининг вужудга келишига аввало Қашқадарёда, хусусан баҳор вақтлари бўладиган сел сувларни деҳқонлар тартиб билан бошқаролмай, ундан керакли жойларга тўғри фойдаланишга қийналишлари сабаб бўлди. Бундан ташқари, областнинг пастки зоналаридаги чигит экиладиган майдонлар ёзнинг иссиқ кунда вақт-вақти билан суғориб турилиши учун биронта ҳам сув манбаига эга эмас эди. Қашқадарё ёз ойлари келадиган сув пастки районлар талабини мутлақо қондиrolмасди. Шуни назарга олиб, Қамашини район территориясида Чимқўрғон пастлигининг олдинги қисмида дарёга тўғон солиш ва шу йўл билан баҳорги тошқин сувларни тўсиб, тўпланган сувдан асосан пастки районлар эҳтиёжи учун керакли вақтда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу таклифни Қашқадарё меҳнаткашлари тўла қўллаб-қувватладилар. Қамашини, Косон, Қарши ва областнинг бошқа район колхозчилари ва совхоз ишчиларининг актив иштироки ҳамда Чимқўрғон қурилиши ташкилоти коллективининг шижоатли меҳнати туфайли энг катта сув омборларидан бири, яъни 500 миллион кубометр сув тўпланадиган иншоот 1963 йилда тўла ишга туширилди. Бу сув

иншооти айниқса ёз ойларида воҳада пастки зонадаги районларнинг 45—50 минг гектарга яқин ерини суғоришга имкон туғдирди.

Воҳада сув иншоотлари қурилиши иши янада давом эттирила берди. Чимқўрғон қурилиши ташкилоти ўз ишини тугатгач, Ғузор дарёсининг Пачкамар деб номган жойида катта тўғон қуришга киришди. 1968 йилда эса 280 миллион кубометр сув ғамлайдиган «Пачкамар» сув омбори ҳам қурилиб ишга туширилди. Бу сув омбори областнинг Ғузор районида 10—15 минг гектар ерларни суғориш имконини берди. Шундай қилиб, кейинги 10—12 йил ичида областда 3 та катта сув иншооти қурилиб, буларнинг суви билан 75—80 минг гектардан кўпроқ ерни суғориш имконияти вужудга келтирилди.

Ҳозирги вақтда Қашқадарё воҳасини сув билан тўла таъминлаш ва уни Ўзбекистонда энг йирик ипак пахта базасига айлантириш мақсадида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида минг-минглаб совет кишилари — қурувчилар ва ёшларининг ижодий меҳнати билан бепоён Қарши чўлига Амударё сувини келтириш учун қаҳрамонларча қураш олиб борилмоқда.

Қарши чўли ўзлаштирилиши тўғрисида махсус адабиётлар борлигини назарда тутиб, биз бу китобчада фақат юқорида кўрсатиб ўтилган учта сув иншоотининг шарофати билан қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг иқтисодий соҳада қўлга киритган ютуқлари тўғрисидагина фикр юритамиз.

Республикамизда бўлганидек, Қашқадарё областида ҳам сув қурилиш иншоотлари — суғориладиган ерларни, жумладан пахта майдонларини кенгайтиришга ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини оширишга, хусусан қишлоқ хўжалиги экономикасининг ўсишига катта таъсир кўрсатди. Масалан, 1913 йилда Ўзбекистон территорияси бўйича жами яқка хўжаликлар ва қишлоқдаги гуруҳлар ихтиёрида 429 минг гектар пахта майдони бўлиб, унинг ҳар гектаридан ўртача 12,2 центнер ҳосил олинган ва жами пахта ҳосили 522 минг тоннани ташкил этган эди. Социалистик тузумимизнинг ҳаётбахш кучи билан қишлоқлар коллектив хўжалик принциплари асосида замон талабига яраша қайта қурилди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг майдони тез суръатлар билан кенгайтирилди.

Пахта майдонлари 1969 йилда Ўзбекистон ССР бўйича 1.669 минг гектарни ташкил этиб, ҳосилдорлик эса ҳар гектар ер ҳисобига 23,1 центнерга кўтарилди ва ялпи пахта етиштириш 3.861¹ минг тоннага етказилди. 1913 йилдагига нисбатан пахта етиштириш 6,5 марта кўпайди. Ўзбекистонда пахта етиштириш бўйича 1970 йилда қўлга киритилган натижалар 1969 йилга нисбатан янада ортиб, 4 миллион 700 минг тоннани ташкил этди. Ҳар гектар ердан 26,2² центнер пахта ҳосили олинди. Бу дунё миқёсида ҳосилдорлик жиҳатидан энг юксак кўрсаткичдир.

Қашқадарё областида қурилган йирик сув иншоотлари суғориладиган деҳқончилик соҳасида кўпдан бери ечилмай келаётган қийинчиликларни анча енгиллаштирди, кўпгина суғориладиган майдонларни гарантияланган суғориладиган деҳқончиликка айлантирди. Натижада минг гектарлаб янги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш

2-жа д в а л

Республика ва Қашқадарё областида пахта етиштириш

Кўрсаткичлар	Й и л л а р				1940 йилга нисбатан 1970 йилда
	1940	1960	1965	1970	
Қашқадарё областида пахта майдони, минг. га	32,2	77,7	91,6	114	3,5 баравардан кўпроқ
Ўзбекистон ССР бўйича (ўртача) минг га . .	948,0	1450	1617	1782,7	1,9 бараварга яқин
Қашқадарё областида ҳосилдорлик, гектаридан центнер	17	19,5	21,1	26,5	1,5 баравар
Ўзбекистон ССР бўйича гектар центнер . . .	14,9	20,3	24,1	26,2	1,8 баравар
Ялпи ҳосил Қашқадарё областида, минг тон.	54	144	194,0	301,8	5,6 бараварга яқин
Ўзбекистон ССР бўйича млн. тон.	1416	2949	3904	4667	3,3 баравар

¹ Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги 1969 йилда, 1970, 98-бет.

² Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди материаллари, «Правда Востока», 3 март, 1971 йил.

имкониятини яратиб берди. Бу — областда қишлоқ хўжалигининг юксалишида дастлабки босқич эди, албатта.

Сув қурилишлари туфайли сувли ерлар кенгайди ва бу майдонларда пахтачилик асосий ва ҳал қилувчи ўринни эгаллади. Қашқадарё областида пахтачиликнинг ўртача ўсиши Ўзбекистон республикаси кўрсаткичидан анча юқори туришини иккинчи жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвалда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, 1970 йилда 1940 йилдагига нисбатан пахта майдони Ўзбекистон ССР бўйича 1,9 бараварга яқин ўсган бўлса, Қашқадарё областида эса 3,5 баравар кўпайган ёки пахта ҳосилдорлиги шу йиллар ичида 1,8 ва 1,5; ялпи маҳсулот Ўзбекистонда 3,3 баравар кўп етиштирилган бўлса, Қашқадарё областида 5,6 баравар кўпайган. Қашқадарё воҳасида пахта майдонининг кўпайиши ва ҳосилдорлигининг ўсиши асосан Эски Ангар каналининг суви келгандан сўнг юз бера бошлаган. Чимқўрғон ва Пачкамар сув омборлари қурилиб ишга туширилгач областда пахта ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот йил сайин ўсиб борди.

Маълумки 1955 йилда Қашқа воҳасининг фақат биринчи зонасигина пахтадан маълум даражада фойда кўрар эди. Яъни бир центнер пахта ҳосили ҳисобида 3 сўм 09 тийин соф фойда олинган эди. Қолган зоналарда пахта етиштириш анча қимматга тушарди, яъни зарар билан яқунланарди. Умуман олганда ҳамма районлар бўйича пахтачиликдан бир центнер ҳосил ҳисобига ўртача 47 тийин зарар кўрилган бўлиб, бу чорвачилик ва бошқа соҳалардан олинган даромад ҳисобидан қопланар эди.

Областда сув таъминоти бирмунча тартибга келтирилганидан ва суғориладиган ерлар кенгайтирилгандан сўнг пахтачилик ҳамда бошқа экинлар хўжаликларда асосан даромадли соҳага айланиб қолди. Масалан, 1958 йилда биринчи зона бир центнер пахта ҳисобига 13 сўм 96 тийин фойда олган бўлса, иккинчи зона 10 сўм 20 тийин, учинчи зона эса 11 сўм 03 тийин соф фойда олишга муваффақ бўлган.

Шунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши янада кенгайтирилди, хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамланди ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси ўсди. 1959 йилда ҳар бир

колхозчининг бир ойда оладиган меҳнат ҳақи 55—60 сўмни ташкил этса 1970 йилга келиб, бу рақам 110 сўмга кўтарилди. Бу фактлар шуни кўрсатадики, суғориладиган деҳқончиликнинг қулай шарт-шароитлари Ўзбекистон ССР, шунингдек Қашқадарё колхоз ва совхоз далаларида ҳам меҳнат унумдорлигининг йилдан-йилга ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, социалистик ҳўжаликда меҳнат унумдорлигининг ўсиши жамиятимизнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Жамиятимиз аъзоларининг у ё бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида бир-бирлари билан оғли, ўртоқларча муносабати коллективнинг актив, билимли киши сифатида техника прогрессиға таяниб ер, сув ва барча воситалардан рационал фойдаланиши унумли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Бу хилда ташкил этилган меҳнат жамиятининг муттасил ўсиб боришини ва ривожланишини таъминлайди.

Социалистик тузумнинг шарофати, унинг халқ манфаатларини кўзлаб иш тутиши мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан бирга, янги-янги имконият ва резервларни вужудга келтиради. Чунки социалистик ҳаётда ҳар бир кишининг эркин нафас олиб ишлашига имконият мавжудлиги, ўз тақдирини ўзи яратиш жараёнида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиши битмас-туганмас халқ бойликларини вужудга келтиришда асосий фактор бўлиб хизмат қилади. Бундай факторларни советлар мамлакатининг ҳар бир жойида, шунингдек Қашқадарё областида ҳам жуда кўплаб топиш мумкин.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши тўғрисида қуйидаги мисолларни кўрсатиш характерлидир. Қашқадарё областида 1955 йилда ҳар гектар ердан 12,2 центнер пахта ҳосили кўтарилган бўлса, пахта майдонининг бир неча бор ошиб боришига қарамай, суғориладиган ерларнинг кенгайтирилиши ва бошқа қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилиши туфайли 1970 йилда ҳар гектар ердан 26,5 центнер ҳосил олишга муваффақ бўлинди. Ёки, 1955 йилда бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун 21,5 одам кучи сарф этилган ҳолда 1970 йилга келиб атиги 5 одам кучи сарфланган. Демак,

шу йиллар ичида, пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига икки барабардан ошиқроқ ўсган ва меҳнат сарфи эса тўрт барабарга камайган. Бунга унумдор ерларда сув таъминотининг анча яхшиланиши, суғоришнинг тўғри ташкил этилиши ва суғориладиган майдонларнинг кенгайтирилиши ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Юқорида изоҳлаб ўтилган кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини меҳнатга лаёқатли одам бошига кўпроқ ишлаб чиқариш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўланишининг ўсишига самарали таъсир кўрсатган.

Қашқадарё область колхозларида ер ва сувдан бирмунча тўғри фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳамда унинг бошқа иқтисодий негизи — воситаларига ижобий таъсирини характерловчи маълумот зоналар бўйича учинчи жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Қашқадарё область колхозларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 1970 йилги маълумот*

Зоналар**	Колхозлар сони	Бир одам бошига ҳисоблаганда				100 сўмлик ялпи маҳ- сулот ҳис- обида меҳ- натга ҳақ тўлаш (сўм ҳисобида)
		меҳнат унумдор- лиги (сўм ҳисобида)	биринчи зонага нисбатан (процент ҳисобида)	меҳнатга ҳақ тўлаш (сўм ҳисо- бида)	биринчи зонага нисбатан (процент ҳисобида)	
1 зона	38	2509	100	1211	100	49
2 зона	12	3276	90,7	1319	109	51
3 зона	13	2569	102,3	1460	125,5	53
4 зона	7	1980	72	1320	109	52
Область бўйи- ча (ўртача)	70	2486	99	1327	111	51

Жадвалдаги рақамлар шунини кўрсатадики, 1970 йил 3-зона колхозларда бир одам бошига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқарилган. Аммо, 4-зона колхозлари суғорилмайдиган лалмиқор ерларда деҳқончилик қилгани учун ҳар бир одам бошига нисбатан етиштирилган маҳсулот бош-

* Бу маълумотлар область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг материаллари асосида келтирилган.

** Қашқадарё области ўзининг табиий иқлими ва районларнинг жойлашishiга кўра: 1-юқори, 2-ўрта, 3-пастки, 4-тоғ ва тоғ ён баг-рилари каби тўрт зонага бўлинади.

қа зоналарга қараганда энг оз миқдорни ташкил этади. Бундан суғорилмайдиган ерларда қишлоқ хўжалигини интенсив равишда ривожлантириш имконияти жуда озлигини ва мўл-кўл маҳсулот етиштиришнинг энг асосий шартларидан бири деҳқончиликнинг суғориладиган системаси эканлиги кўриниб турибди.

Аммо суғориш ёлғизгина ўсимликларга нам бериш билан чегараланмайди. Балки, деҳқончиликнинг суғориш системаси, яъни суғоришни кенг маънода талқин этганимизда, у ер таркибида мавжуд бўлган ҳамда унга бериладиган минерал ўғитларни ўсимликлар тўла ўзлаштиришига, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қатнашадиган бошқа воситаларнинг таъсир этиш қувватини активлаштиришга тўла имконият яратиб беради. Демак, суғориш масаласига кенг эътибор бериш билан бирга экинлар ҳосилини кўтариш учун минерал, маҳаллий ўғитлардан ва барча техника воситаларидан унумли фойдаланмаса, ҳамда агротехника қондаларига тўла риоя қилинмаса, юксак натижаларни қўлга киритиш мумкин эмас. Кўрсатилган барча чоратадбирлар комплекс ва бир-бирига мутаносиб равишда мустаҳкам боғлаб олиб борилгандагина суғориладиган деҳқончиликда жуда юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этилади.

Партия ва ҳукуматимиз, хусусан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга таъсир этувчи барча воситалардан тўғри фойдаланишга жиддий эътибор бермоқдалар. Партиямиз Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан сўнг ўтган қисқа давр ичидагина Ўзбекистон ССР, шу жумладан Қашқадарё областида қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш масаласи анча яхшиланди ва бу Иттифоқ миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан ҳам ошди. Масалан, 1969 йилда Ўзбекистон бўйича қишлоқ хўжалиги минерал ўғитлари 1960 йилга нисбатан шартли ўлчов бирлиги ҳисобида 91, 8 процентга ва 100 процент озик моддаси ҳажмида ҳисоблаганда деярли икки баравар яъни 98 процентга кўпайган.

Ўзбекистон республикасининг минерал ўғитлар билан таъминланиши Совет Иттифоқи бўйича умумий кўрсаткичдан анча ошиқдир. Агар, 1969 йилда СССР бўйича ҳайдаладиган ҳар гектар ерга 100 процент озик моддаси ҳисобида 43,3 килограмм минерал ўғит тўғри келган

бўлса, Ўзбекистонда 186,5 килограмм¹ни ташкил этади. Бу рақам бутун Иттифоқдагига нисбатан 4,6 барабар ортиқлигини кўрсатади. Қашқадарё областида юқорида келтирилган рақам 84 кг²ни ташкил этиб, бу СССР бўйича икки барабар кўпроқ ва Ўзбекистон ССРга нисбатан эса икки барабар камдир. Шунга қарамасдан Қашқадарё области ерлари табиий жиҳатдан юқори унумдор бўлганлиги учун ҳам пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ер ҳисобига Ўзбекистон ССРдаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Демак, фактлар шуни кўрсатадики, ернинг табиий унумдорлиги иқтисодий унумдорлик билан бирга қўшилгандагина жамият учун кўпроқ маҳсулот етиштириш ҳамда унинг таннархини камайтириш имконияти юзага келади.

Бизда ер давлат ва умумхалқ мулки бўлибгина қолмай, балки у хўжалик объекти сифатида ҳам бутун жамият—халқ ихтиёрига берилгандир. Шунинг учун ҳам социалистик ҳаётда ерга бўлган тўғри муносабат туфайли ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжи ва саноатимиз талабларини тўла қондириш учун тобора кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида барча куч ва имкониятлардан муваффақият билан фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда катта-катта сув иншоотларининг қурилиши ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришининг кўпайиши билан бирга хўжаликларда ишлаб чиқариш фонди ва воситаларининг қуввати ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Гектар ҳисобида меҳнатни энергетик жиҳатидан қуролланиши тобора мустаҳкамланмоқда. Натижада кўплаб қўриқ-бўз ерлар ўзлаштирилмоқда ва ҳайдаладиган майдонлар структурасининг сифати яхшиланмоқда. Бу омиллар ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга, колхоз ва совхозларни рентабелли, сердаромад хўжаликларга айлантиришда, бирдан-бир воситачи бўлиб хизмат қилмоқда. Қашқадарё области колхозларида 1965-1970 йиллар мобайнида амалга оширилган муҳим тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалигининг бирмунча интенсив ўсганлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, колхозлар моддий-техника базасининг ўсиши ҳамда

1 СССР халқ хўжалиги 1969 йилда, М., 1970, 359-бет.

2 Келтирилган маълумотлар Қашқадарё области қишлоқ хўжалиги бошқармасининг агро ҳисобидан олинган.

Қашқадарё области колхозларида қишлоқ хўжалигининг
интенсив ўсишини кўрсатувчи маълумот (1965—1970
йилларнинг қиёсий кўрсаткичи)

Йиллар	100 гектар қ-хўжалиги майдонига нисбатан ҳайдалади- ган ерлар, га	1 гектар пахта майдонига сарф- ланган ўғит, центнер				Асосий ишлаб чиқар- иш во- сита- ларининг суммаси минг сўм	100 гек- тар ҳай- далади- ган ер ҳисоби- да, от кучи	1 гектар суғорила- диган ер- дан олин- ган маҳсу- лот, сўм ҳисобида	1 гек- тар су- ғорила- диган ердан олинган соф foyда, сўм
		Ма- ҳал- лий ўғит	Минер- ал ўғит	100 гектар ҳайда- лади- ган ер- га нис- батан	Меҳ- натга яроқли бир одам ҳисоби- да				
1965	31	12	2	387	1,35	39	739,08*	196	
1970	39	40	3	466	1,8	77	1374,89	320	
1965 йилга нисбатан									
1970 йилда процент ҳисобида	126	230	150	127	133	200	186	163*	

мустаҳкамланиши туфайли суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. 1965-1970 йиллар мобайнида 100 гектар суғориладиган ерлар ҳисобида маҳсулот етиштириш 86 процентга, ҳар бир гектар суғориладиган ердан олин-
надиган соф фойда эса 63 процентга ортган. Бу ерда шу-
ни ҳам алоҳида айтиш керакки, юқоридаги кўрсатилган
омилларнинг самарали таъсири билан бир қаторда қиш-
лоқ хўжалиги маҳсулотларининг йил сайин ривожлани-
шига партия ва совет ташкилотларининг изчил раҳ-
барлиги ҳамда қўйилган вазифаларни ниҳоятда тўғри
тушуниб, уни ўз вақтида ҳал қилиб бораётганликлари
ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалиги ютуқларини кўрсатувчи яна бир
неча мисоллар келтирайлик. Қашқадарё области бўйича

* Фактлар обла-
ҳисоботларидан олинди.

1965 йилда 100 гектар ер ҳисобида 2100 центнер пахта, 5140 центнер сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари ҳамда 170 центнер мева етиштирилган эди. Беш йилдан кейин, яъни 1970 йилда эса 100 гектар ер ҳисобида 2640 центнер пахта, 10530 центнер сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва 240 центнер мева етиштирилди. Шундай қилиб, беш йил ичида 100 гектар ер ҳисобида 1965 йилдагига нисбатан пахта етиштириш 20 процентга кўпайган бўлса, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш икки барабардан кўпроқ ва мева етиштириш эса 40 процентга ошган.¹

Аммо, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, айрим районларнинг маҳсулот етиштириш даражаси областнинг ўртача кўрсаткичидан юқоридир. Бу ўзгариш айниқса кейинги йилларда сув таъминотининг бирмунча яхшиланганлиги туфайли янги суғориладиган майдонлари кенгайтирилган пастки зона районларида рўй берди. Масалан, 1965 йилга нисбатан 1970 йилда область бўйича пахта етиштириш даражаси ўртача бўлгани ҳолда, Қарши ва Ульянов районларида икки барабар, Косон районида 75 процент ва Ғузор районида эса 60 процентга кўпайган. Бу юқори кўрсаткичлар кўп йиллардан бери бекор ётган қўриқ бўз майдонлар суғориладиган ерларга айлантирилганлиги натижасида рўй берди.

Кейинги йилларда Қашқадарё областида вужудга келтирилган нормал сув таъминоти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган ҳар сўмга нисбатан олинган соф фойда йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, 1961—1965 йилларда область колхозлари маҳсулот етиштириш учун сарфланган бир сўм ҳисобига пахтадан 32 тийин, сабзавотдан 24 тийин, узумчиликдан 27 тийин соф фойда олганлар. 1966—1970 йилларда эса қилинган бир сўмлик сарф ҳисобига пахтачиликдан ўртача 56 тийин, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотларидан 29 тийин ва узумчиликдан 28 тийин соф фойда олинган. Айрим районлар эса янада юқорироқ фойда кўришга муваффақ бўлганлар. Масалан, Косон районидаги колхозлар 1961—

¹ Келтирилган фактлар Қашқадарё области қишлоқ хўжалиги бошқармасидаги колхозларнинг йиллик ҳисоботида олинган.

1965 йилларда пахта етиштиришга қилинган бир сўм сарф ҳисобдан 51,1 процент соф фойда олган бўлсалар, 1965—1970 йилларда эса ўртача 64 процентга кўтаришга эришганлар. Бундай мисолларни областнинг бошқа районларидан ҳам келтириш мумкин.

Бу келтирилган маълумотлар областда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг дастлабки қадамларини характерлаши билан бйрга, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўплаб етиштиришда жуда катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатади.

Айрим районларнинг кўрсаткичи областнинг ўртача маҳсулот етиштириш даражасидан юқори бўлганидек, деярли бир хил шароитда ва баббаравар имкониятлар мавжудлигига қарамай қўшни турган икки колхознинг биттасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юқори даражада бўлади. Чунки, илғор хўжаликлар суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш ва ҳар бир ишни ўз вақтида, маромида ташкил этиш масаласига жиддий эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам айрим колхозлар бир неча йиллар давомида системали юқори кўрсаткичларни қўлга киритишга муяссар бўладилар. Фикримизни тасдиқловчи бир неча мисоллар келтирамиз.

1970 йилда область бўйича ҳар гектар ердан 26,5 центнер пахта ҳосили етиштирилган бўлса, Китоб районидаги Навоий номли колхоз 30,4 центнер, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз 35,2 центнер, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхоз 32,4 центнер, Қамаш районидаги Ленин номли колхоз 34,2 центнер, Қосон районидаги Энгельс номли колхоз 33,3 ва Қарши районидаги «Ленин йўли» колхоз 30,8¹ центнер ҳосил олишга эришди.

Маълумки, ҳеч қандай ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Қимки ўз ишининг устаси бўлиб астойдил меҳнат қилса, мавжуд имкониятларни тўла сафарбар этолса, ютуқлари устига-ютуқлар қўшилаверади. Узоқ йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, қайси хўжаликда, аввало бошлиқ, сўнгра пастки звенодаги раҳбарлар билимли, иш билармон, ҳалол, камтарин ва кўпдан ўр-

¹ Қашқадарё область статистика бошқармаси бюллетени, 1970, 1—9-бетлар.

ганиб раҳбарлик қилса, бир жойда кўпроқ ишлаб тажриба орттирса, ўша хўжаликнинг барча ишлари муваффақиятли бўлади.

Иккинчидан, яхши хислатли раҳбарлар бир жойда узоқ бошчилик қилгач, у ерда коллектив ўртасида мустаҳкам меҳнат интизоми, аҳиллик-дўстлик, бир-бирининг меҳнатини, тажрибасини қадрлаш кучаяди. Натижада йиллар ўтиши билан маълум бир коллектив ўртасида у ёки бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бой тажриба орттирилиш ва моҳирлик кучаяди. Бу эса иш жараёнида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енгишга имкон беради.

Шу ўринда областдаги илғор хўжаликлардан бири — Навоий номли колхознинг фаолиятини характерлайдиган бир-икки мисол келтирамиз. Китоб районидаги бу колхознинг табиий шароити тоғли иқлим, ери бўз қумлоқли бўлиб, пастки зона колхозларга нисбатан анча нозикдир. Чунки, жуда кўп йиллардан буён хўжаликнинг ердан энди ўсиб чиққан гўза ниҳолларини жала-дўл уриб кетар эди. Натижада колхоз чигитни неча марта қайта экишга мажбур бўларди. Бу ҳол деҳқончилик ишининг умуман орқага кетишига ва кўплаб қўшимча меҳнат сарфланишига сабаб бўларди. Кейинги йилларда колхоз раҳбарлари ва мутахассислари тез-тез юз бериб турадиган табиий қийинчиликни ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Ҳозирги замон фани, тажрибаларга таяниб иш кўра бошладилар. Эндilikда дўл-жала ёғадиган вақтни ўтказиб кенг ерга чигит экадиган ва кўкариб чиққан ниҳолларни тезроқ ривожлантириш учун маҳаллий ва минерал ўғитларни кўпроқ беришни расм қилишди. Бу усул табиат инжиқликларини енгиш ва пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Колхозда қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосий боисларидан яна бири правление раисининг тўғри танланганлигидир. Колхоз раиси педагог-агроном, уни колхозчилар раислик лавозимига сайлаб, хўжаликни яхши бошқаришга ишонч билдирдилар, раис ишончини оқлашга ҳаракат қилади. Ҳамма билим ва ғайратини хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришга сарфлади. Бошлаб дала ишларини яхшилаш тадбирларини кўрди, экинлар ҳосилини ошириш учун зарур бўлган бутун янгиликларни қўллади. Агрономия қондаларига қат-

тиқ рую қилиш билан кекса деҳқонлар тажрибасидан фойдаланди. Дала меҳнаткашлари билан жипс алоқада бўлиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор берди. Қолхозчилар ишбилармон раисни ҳурмат қилиб, ҳар ишда уни қўллаб-қувватладилар. Шунинг учун правлениенинг ҳар бир топширигини бригадирдан тортиб то оддий колхозчигача ўз вақтида бажаради. Колхознинг ҳар бир аъзоси коллектив ишини ўзининг шахсий ишидек севади ва амалга оширади. Дала ишларининг қулай муддатларда ўтказилиши натижасида техникадан ҳам, ўғитлардан ҳам яхши фойдаланилди. Экинлар айниқса, гўза парвариши такомиллашди, ҳосилдорлик йилдан йилга ошиб борди.

Масалан, область бўйича 1961 йилда ҳар гектар пахта майдонига 45 килограмм, 1970 йилда эса 100 килограмм ўғит берилди. Шу йилларда Навоий номли колхозда бир гектар ерга ўртача 239 минерал ва 113 килограмм маҳаллий ўғит солинди. Минерал ўғитдан, техника ва бошқа воситалардан унумли фойдаланилиб, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш асосида иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб бораётган илғор колхозлар областда анчагина бор.

Қосон районидаги Ленин номли колхоз 1970 йилда 1964 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлигини 60 процентга, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозини 44 процентга оширган. Навоий номли колхознинг бўлинимас фонди 1963 йилда 806,8 минг сўмни, 1970 йилда эса 1794 мингни ташкил этди. Худди шу йилларда Қосон районидаги Ленин номли колхознинг бўлинимас фонди 1455,5 мингдан 2258 мингга, «Коммунизм» колхозини эса 690,9 мингдан 1712 мингга кўпайган.

Амалга оширилган конкрет тадбирлар туфайли қўлга киритилган ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган намунали тажрибалар кўпгина илғор хўжаликларда пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириш имкониятини вужудга келтирмоқда.

Қашқадарё областида кейинги йилларда сув таъминоти анча яхшиланиши муносабати билан ердан рационал фойдаланиш йил сайин юқори даражага кўтарилаётганлигини характерловчи мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Аммо, илғор хўжаликлар тажрибаси ердан тўғри фойдаланишни кўрсатиш билан бирга ҳали бу соҳада жиддий камчиликлар борлигини ҳам исботлай-

дн. Шу туфайли мавжуд резервларни ҳисобга олиб, областда ердан янада унумлироқ фойдаланиш учун қуйидаги таклифларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Бир неча йиллардан бери пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ҳосил олиб келаётган илғор колхозларнинг иш тажрибаларидан кенг фойдаланиб, ҳосилдорлик жиҳатидан ўртача хўжаликлар фаолиятини чуқур анализ қилиш, уларга зарур ёрдам беришни ташкил этиш билан уларда (орқада қолаётган хўжаликларда) ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини камида 3—5 центнерга кўпайтириш асосий

5-жадвал

Қашқадарё областидаги илғор хўжаликларда юқори пахта ҳосили етиштирилганлигини кўрсатувчи маълумот
Йиллар бўйича гектаридан олинган ҳосил, центнер*

Районлар	Колхозлар	1964	1965	1966	1967	1968	1969	1970	Эслат- ма
Китоб	Навоий номли	24,3	34,6	34,7	39,6	37,4	35,6	30,4	Қарши ва Косон райони колхозлари кенгги йилларда асосин илғор пахта етиштилади
Яккабоғ	„Коммунизм“	29,5	30,3	31,2	30,8	32,93	31,8	26,8	
Қамаши	Ленин номли	33,0	33,1	33,0	31,88	34,91	35,1	34,2	
Чироқчи	„Коммуна“	28,7	29,1	30,9	32,5	34,5	36,4	32,4	
Қарши	„Коммунизм“	17,5	16,1	26,1	17,6	20,9	28,4	24,3	
Косон	Ленин номли	19,8	21,9	23,2	24,6	25,4	26,0	31,7	

масалалардан биридир. Шу йўл билан илғорлар ва орқада қолган хўжаликлар ўртасида ҳосилдорлик жиҳатидан давом этиб келаётган тафовут йилдан-йилга камайиб боради. Бу ўз навбатида ҳар гектар ердан фойдаланишни янада яхшилайдн ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

2. Қашқадарё воҳаси ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон ССРда энг оз сув билан таъминланган областдир. Пар-

* Қашқадарё область статистика бошқармаси бюллетени, 1964—1970 йиллар.

тиямиз XXIV съездида кўрсатиб ўтилган энг муҳим тадбирлардан бири Амударё сувини Қарши чўлига оқизиш ишини тезлаштиришдан иборатдир. Бу улуғ иш амалга оширилгач, Қашқа воҳаси, хусусан Қарши, Косон ва Ульянов районлари сув билан тўла таъминланади. Натижада бепоён даштда битмас-туганмас бойликлар яратилади.

Аммо, яна бир масалани кўрсатиб ўтиш зарурки, областда қурилган энг катта Чимқўрғон ва Пачкамар каби сув омборларида сув тўпланиши об-ҳавонинг яхши келиши, сел сувларининг бўлиш-бўлмаслигига боғлиқдир. Сел, ёнғингарчиликлар кўпроқ бўлса, омборларда сув кўпроқ йиғилади, ёнғингарчилик оз бўлса, тўпланган сув деҳқончилик талабларига жавоб беролмай қолади. Бундан ташқари, областнинг айниқса ўрта зонаси Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаши районларини ҳамиша етарли сув билан таъминлаш масаласи узил-кесил ҳал этилмаган. Шундай экан, Бухоро областининг сувга бўлган талаби анча қондирилганлигини ҳисобга олиб, Зарафшон дарёсининг сувини иложи борича Қашқадарёнинг юқори қисмига буриш ишини тезлаштириш бу воҳа учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Шундагина областнинг иккинчи зонаси ҳам етарли сув билан таъминланиши мумкин.

Сув ва суғориладиган ерларни кўпайтириш билан бирга мелиорация ишларини ҳам қатъий план асосида амалга ошириш, бунинг учун инженер гидрологик жиҳатдан илмий асосда тузилган проект бўйича коллектор, ёпиқ дренажлар қуриш, ариқ-зовурларни бетонлаштириш зарур, бу эса суғориладиган ерларни узоқ муддатгача шўрлаб кетмаслигини, ҳар бир участкада юқори даражада маҳсулот етиштиришни таъминлайди.

3. Областнинг биринчи зонасидаги районларда кўп йиллардан буён қаторасига чигит экилиб келинаётганлиги сабабли кўпгина хўжаликларда пахтаниннг энг ашаддий душмани вильт касаллиги тарқалган. Шунини ҳисобга олиб, тўрт-беш йил ичида ўт-далали алмашлаб экишни тўла жорий қилиш, буни тўғри амалга ошириш учун ҳар гектар ернинг структурасини кўрсатувчи карта тузиб чиқиш барча майдоннинг ҳисобкитобини тўғри аниқлаш ишини ҳал этиш билан бирга ердан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга имкон беради.

Областда экинларнинг жойлашиши масаласи ҳамон узил-кесил ҳал этилмаган. Бизнинг фикримизча, бирин-

чи зона иқлим шароити ҳамда меҳнаткашларнинг азалдан моҳир деҳқонлигини ҳисобга олиб, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, районларининг бир қисми ерларини боғ-токзорларга айлантириш, сув таъминоти янада яхши бўлиш муносабати билан пахта етиштиришни областнинг қуйи зоналари зиммасига тўла юклаш мақсадга мувофиқдир. Бунга биринчидан юқори зона районларининг табиий шароити тақозо этса, иккинчидан, вильт билан зарарланган кўпгина ерлар соғломлаштирилади. Бу тadbир тўла амалга оширилганда биринчи зонада ердан унумли фойдаланиш янада яхшиланади.

4. Техника ҳақиқатан ҳам инсоннинг оғирини енгиллаштирувчи бебаҳо олижаноб бир кучдир. Химизация эса деҳқон ва техниканинг ерга сингдирган меҳнатининг самарасини кўрсатувчи, унинг салмоқ-натижасини кўпайтирувчи омилдир. Аммо, шунга қарамай кўп хўжаликларда техника ва минерал ўғитлар қишин-ёзин очиқ ҳавода сақланади. Оқибатда кўплаб механизмлар барвақт ишдан чиқади. Минерал ўғитлар эса ўз таъсирини йўқотади. Натижада деҳқоннинг оғирини енгиллаштирувчи ва меҳнатини баракали қилувчи энг муҳим ишлаб чиқариш воситалари зое кетади. Шунинг учун техникани эҳтиётлик билан сақлаш, уни тўғри ишлата билиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўла фойдаланиш ерсудан рационал фойдаланиш билан баббаравар аҳамиятга эгадир, деб қарамоқ зарурдир.

5. Фан ва техниканинг ривожланиши билан ерсудан тўғри фойдаланиш соҳасида селекционерларимизнинг роли тобора кўтарилмоқда. «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3», «159-Ф», «С-60-30» каби вильтга чидамли пахта навларининг етиштирилиши ҳар бир гектар ердан янада унумлироқ фойдаланиш истиқболларини очиб бермоқдаки, бу билан барча деҳқонларимиз ҳақли равишда фахрланса арзийди. Шунинг ҳисобга олиб областнинг юқори зона районларида вилтга чидамли пахта навларини экиш, ўрта ва қуйи зона районларида эса асосан ипак пахта етиштириш жуда катта иқтисодий самарадорликка эгадир. Масалан, Косон, Қарши ва Ульянов районларида ипак пахта етиштирилгач хўжаликларнинг даромади бир ярим-икки барабар кўпайди. Демак, областда ипак пахта нави колхоз ва совхозлар иқтисодининг тезроқ кўтарилишига ҳамда суғориладиган деҳқончилик-

нинг кўркини янада оширишга иқтисодий восита бўлиб хизмат қилади.

6. Қашқа воҳаси меҳнаткашлари мавжуд иқлим-шароитга мувофиқ узоқ ўтмишдан бери чорва билан кўпроқ шуғулланиб келган ва бу соҳада қимматли тажрибалар орттирганлар. Аммо, ёғингарчилик кам бўлиши сабабли наминг етарли бўлмаганлиги деҳқонларимизга қанчалик қийинлик келтирган бўлса, чорвадорларимизни ҳам шундай қийнаб келган. Чунки деҳқончилик, яъни буғдой, арпа ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмаса, чорванинг ҳам маҳсулдор бўлиши мумкин эмас. Чорвачилик деҳқончиликнинг асли ажралмас бир қисми, яъни унинг давоми бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, Қашқадарё областида чорвачиликни ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар борлигини ҳисобга олиб, суғориладиган яйловларни кўпайтириш, ҳар бир жойининг ўз шароитига қараб яйлов ўтлоқларга иссиққа чидамли озиқбоп — изен, саксовул ва юлғин каби ўсимликлар кўпроқ экиш, уларни вақт-вақтида парвариш қилиш ўтлоқ жойларнинг самарадорлигини 1-2 баравар оширади. Бинобарин чорва моллари учун мустақкам ем-хашак базаси яратишни таъминлайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларининг (ердан ташқари) ўз нархи бор. Аммо бизда ердан текин фойдаланиб келинмоқда. Лекин, шунинг алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, ернинг текин бўлиши кўп ҳолларда социалистик қурилишимизга зарар бериб келяпти. Чунки кўп жойларда унумли ерларни тўғри ҳисобини олмаслик, уни талон-торож қилиш каби ярамас муносабатлар ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кўпгина йирик олимларимиз ернинг ўз зоналари ва шароитига қараб ҳар бир гектар ернинг нархини (баҳосини) белгилловчи қўлланма йўл-йўриқлар ишлаб чиқмоқдалар. Бизнинг фикримизча бу масала тўла ишлаб чиқилгач ва ҳаётга татбиқ этилгач, социалистик бойлигимизнинг битмас-туганмас манбаи бўлган ерга нисбатан одамларимизнинг муносабати янада яхшиланади, ҳар гектар ер халқ бахт-саодати учун кўп хизмат қилади ҳамда у яхши эъвозланади. Натижада жамиятимиз, социалистик қурилишимиз учун керакли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштирилишига катта имкониятлар вужудга келади.

Юқорида баён этилган вазифа ва таклифларни ўз вақтида амалга оширишда билимдон ва ташкилотчи кадрлар асосий ролни ўйнайди. Марксизм-ленинизм классиклари қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун техника прогрессининг тўхтовсиз ўсиши ва минерал ўғитларнинг кўпайиши билан бирга уларни тўғри ишлата биладиган қобилиятли кадрлар бўлгандарина ишлар муваффақиятли амалга оширилади деб, бир неча бор кўрсатган эдилар. Бу ҳаётда исботланган ҳақиқатдир, албатта.

Ҳар бир областнинг ички ва ташқи имконият ва истиқболларини ҳисобга олиб, у ёки бу соҳа учун керакли мутахассисларни аввало тайёрлаш масаласига жиддий киришиш, халқ хўжалиги тармоқларида ишлаётган барча кадрлардан максимал фойдаланиш, уларнинг активлигига суяниб, XXIV съезд қарорларини бажаришга оммани сафарбар этиш, ернинг ҳар бир гектарида энг кўп ва сифатли маҳсулотлар етиштиришга бош бўлиш, партия, совет ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг энг муҳим шарафли вазифаси бўлмоғи лозимдир. ҚПСС XXIV съездида Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Иқтисодий ривожланиш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партия белгилаб берган режаларнинг муваффақияти оқибат натижада одамларга боғлиқ бўлади. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, партия, совет, касаба союз, хўжалик кадрларининг онгли ва саботли меҳнати коммунистик қурилиш фронтидаги янги ғалабаларнинг гаровидир».

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Областнинг иқлим шароити, ери ва ундан фойдаланиш . . .	8
Суғориш ва уни тўғри ташкил этиш — ердан унумли фойдала- нишнинг энг муҳим шарт.	14

На узбекском языке

Адил Мурадов

РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ

Издательство „Узбекистан“ — 1972—Ташкент

Отпечатано в типографии издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент,
«Правда Востока», 26.

Редактор М. Жўраев
Тех. редактор А. Альберт
Корректор М. Содиқова

Теришга берилди 14/IV-1972 й. Босишга рухсат этилди 4/IX-1972 й.
Қоғоз формати 84×108¹/₂. Босма листи 1,25. Шартли бос. л. 2,10.
Нашр. л. 2,0. Тиражи 13908. Р 09660. «Ўзбекистон» нашриёти, Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 115—72.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси,
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 500. Баҳоси 6 т.

